

БУДДАВИЙЛИК ВА ТАСАВВУФ. ҚИЙОСИЙ ТАХЛИЛ

Маматқобилов Шахриёр Шодмонович

ТАТУ Самарқанд филиали РИ 23-10 гуруҳ талабаси

e-mail: shaxriyormamatqobilov2255@gmail.com

тел: +998 99 184 79 26

Аннотация:

Ушбу мақолада буддавийлик динининг келиб чиқиши, ундаги урф-одатлар ва маросимлар, дунё буйлаб тарқалиши, урта осийга кириб келиши, бу диннинг ислом динига ухшаш ва фарқли жихатлари шунингдек тасаввуф илми ҳақида суз боради.

Abstract:

This article talks about the origin of Buddhism, its traditions and rituals, its spread around the world, its introduction to Central Asia, similarities and differences between this religion and Islam, as well as the science of Sufism.

Калит сузлар: Сиддхартха Гаутама, Шакъя қабиласи, Гандара, Типитака, ,асҳоби суффа, тарикат.

Истиқлол шарофати билан жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши миллий ўзликни англаш, маънавий бой тарихимизни ўрганиш ва тадқиқ этиш жараёнини бошлаб берди. Диний-фалсафий таълимот сифатида вужудга келган Буддавийлик бугунги кунда эътиқод қилувчилар сонига кўра, христианлик, ислом динидан кейинги ўринда турадиган жаҳон динларидан бири ҳисобланади. Буддавийлик милоддан аввалги VI–V асрларда Шимолий Ҳиндистонда вужудга келган. Бу даврга келиб кўп худоликка асосланган ведачилик, брахманлик, жайнизм янги ижтимоий шароитга жавоб бера олмай қолган эди. Буддавийликнинг асосчиси Сиддхартха (санскритча “эзгуликлар келтирувчи”) Гаутама Шакъямуни (мил. ав. 567–488 й.) реал тарихий шахс бўлиб, Ҳиндистон ва Непал чегарасидаги Капилаваста вилоятининг Шакъя қабиласи ҳукмдори оиласида туғилган. Манбаларда унинг от миниш, ов қилиш, югуриш, кураш, шеър ўқиш, ҳуснихат ва бошқа соҳаларда маҳоратли бўлгани, билимларни осон ўзлаштиргани учун донишмандлар унга сабоқ беришга ожиз қолганлари қайд этилади. Умуминсоний ғояларнинг тарғиб этилиши ҳамда ҳар бир миллатнинг Будда таълимотини ўз тилида ўқиб-ўрганиши мумкинлиги буддавийликнинг турли ҳудудларга тарқалишига



замин яратган. Милоднинг биринчи асрларида буддавийлик бутунлай бошқача тус олади. Будда илоҳийлаштирилиб, худо даражасига кўтарилади ва унга сифинилади. Буддавий донишмандлар фикрича, ҳар бир инсон жуда кўп эзгу ва яхши ишлар қилиш орқали Буддага айланиши мумкин. Буддизм учта дунё динларининг энг қадимийсидир. Буддистлар дунёси Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиёнинг кўплаб мамлакатларини, шунингдек Россиянинг бир қатор минтақаларини қамраб олади. Ғарбий Европада кўплаб будда ибодатхоналари мавжуд. Баъзи олимларнинг фикрига кўра дунёда буддавийликнинг 325 миллиондан ортиқ издошлари бор. Ушбу кўрсаткич бир вақтнинг ўзида буддизм ва бошқа эътирофларга эргашган имонлиларни ҳисобга олмайди. Бошқа статистик маълумотларга кўра, замонавий дунёда 500 миллионга яқин буддавийлар мавжуд бўлиб, уларнинг 320 миллионга яқини Осиёда, тахминан 1,5 миллиони Америкада, 1,6 миллиони Европада ва 38 мингга яқини Африкада яшайди. Японияда - 72 миллион, Таиландда - 52 миллион, Мянмада - 37 миллион, Ветнамда - 35 миллион, Хитойда - 34 миллион, Шри-Ланкада - 12 миллион, Кореяда - 12 миллион, Камбоджа - 7 миллион, Ҳиндистон - 82 миллион, Лаос - 2,4 миллион, Непал - 1,3 миллион, Малайзия - 3 миллион¹. Қадимги буддистларнинг хазиначалари Сурхондарё водийсида топилган бўлиб, уларнинг аксарияти Ўзбекистонда ва қисман кўшни Тожикистонда жойлашган. Бу жойларда буддавийлик Ҳиндистоннинг шимолий минтақаси (ҳозирги Покистоннинг Пешовар водийси) таъсири остида ривожланиб, Гандҳара номи билан машҳур бўлган. Ҳиндистон шимолидаги донишмандлар буддизм таълимотини бу ерга олиб келишди. Кейинчалик уни тарқатишда ҳукмрон синфларнинг кўмаги муҳим рол ўйнади. Буддавийлик тарқалишининг муҳим жиҳати буддизм фалсафасининг транслитерацияси бўлиб, у тошдан ясалган варақларда, ёғочдан ўйилган ҳаёт ҳақидаги ҳикоялар ва буддизм хабарларида баён қилинган. Ушбу таълим усули жуда самарали бўлиб чиқди ва тез орада Гандарадан Сурхондарё водийсигача бўлган жойларда кўплаб буддавий аҳоли пунктлари шаклланди. Одамлар Буддист монастирларни санъат галереяси сифатида кўриб, илҳом олиш учун уларга қарашган. Замонавий тадқиқотчилар учун энг яхши маълумот манбаи хитойлик саёҳатчилар бўлиб, улар минтақада юзлаб буддист монастирлари ва ступалари мавжудлигини таъкидладилар. 1-асрдан 7-асргача ушбу меъморий иншоотлар давлат ҳомийлигида бўлган ва у

¹ <https://kelajakbunyodkori.uz>



томонидан ҳимоя қилинган. Адашган кушон қабилалари Сурхондарё вилоятига Хитойнинг шимоли-ғарбий қисмидан келиб, буддизм бу ерда Бақтрия вилоятининг ҳамма жойларида ривожланганлигини аниқладилар. Буддавийлик қоидалари ва ахлоқий тамойилларини ўзида мужассам этган китоб “Типитака” ушбу диннинг муқаддас манбаси саналади. Ҳозирда “Типитака”нинг илк қўлёзма нусхаси Шри Ланка (Цейлон)да сақланади. Юқорида дунё халқлари орасида энг кенг тарқалган беш диннинг келиб чиқиш тарихига оид бўлган назарий маълумотларни жамладик. Таъкидлаш лозимки, ушбу динларнинг туб моҳиятида эзгулик ва инсонийлик ғоялари улуғланади. Шундай экан, динимиз, миллатимиз ва ирқимиздан қатъий назар эзгу кадриятларни, инсонийликни унутмайлик.

Ўзбекистон ҳудудларида буддавийлик мероси ҳақида гапирганда, мамлакатимиз жанубидаги археологик топилмалар исботига кўра Кушонлар даврида буддизм ва буддавийлик маданиятининг маркази Термиз ҳудуди бўлганлиги аниқланган. Мазкур минтақа бўйлаб кўплаб буддавийлик обидалари сақланиб қолган. Ушбу минтақа орқали буддизм Буюк ипак йўли бўйлаб Хитойнинг буддизм маркази бўлган Дуньхуангача етиб борган. Ушбу буддизм марказида XX аср бошларида буддавийлик монахлари ва руҳонийлари томонидан Марказий Осиё ҳақида қолдирилган тарихий манбалар топилган².

Тасаввуф ҳақида

Тасаввуфга баҳо беришда кўпинча таълимотнинг таърифи эмас, балки унинг мазмунини очишга эътибор қаратилган ва бу сўзнинг келиб чиқиши қуйидагича изоҳланган:

- а) Тасаввуф сўзи «асҳоби суффа»дан пайдо бўлган. Бу нуқтаи назарга кўра, сўфийлар ҳолу ҳаракатлари билан ўхшайдилар.
- б) Тасаввуф калимаси «саффа»дан пайдо бўлган. Сўфийлар Аллоҳнинг розилигига мувофиқ яшаганликлари туфайли охиратда Аллоҳ ҳузурида олдинги сафда турадилар.
- в) «Бану суфа»га нисбат берилиб, сўфий дейилган. Бану Суфа Мудор қабиласидан Каъбатуллоҳга хизмат қилиб, Аллоҳ розилиги учун халққа хизмат қилган ва астойдил ибодатга берилган сулоланинг исмидир.

² <https://darakchi.uz/uz/140506>



г) Сўфий сўзи «сафо»дан келиб чиққан деб айтилади. Бундай қарашга кўра, сўфий дунёвий кирлардан қалби тозаланиб, поклангани учун ушбу номга сазовор бўлган. Имом Қушайрий ушбу қараш тарафдори.

д) Тасаввуф, бир ёқлама бўлиш, юз ўгириш маъноларини билдирувчи «савф» сўзидан олинган дейилади. Аллоҳга эришганлар мосиводан юз ўгирганлари учун уларга сўфий, юрган йўлларига эса тасаввуф дейилган.

е) Сўфий калимаси юнонча «ҳикмат» (фалсафа) маъносини билдирадиган «софос-софия»дан олинган. Умар Фарид Кам (1861—1944) «Ваҳдати вужуд» асарида (76 бет), Шамсиддин «Ғиёс-ул-луғот»да тасаввуф сўзига изоҳ берганда жунли либос киймоқдан келиб чиққан ва унинг маъноси нафсоний истаклардан пок бўлмоқ ва бутун оламдаги нарсаларни ҳақни зуҳури деб билмоқдир деб таъкидланган. Яна тасаввуф савф сўзидан келиб чиққанки, унинг маъноси бир томонга юз бурмоқ эканлиги ва Ҳақ йўлига кирганлар бир томонга юз бурганлари учун уларни тасаввуф дейдилар, деб ёзилади.³ Сомий эса «Қомуси туркий» асарининг «тасаввуф» ва «сўфий» моддаларида ушбу фикрни ёқлайдилар. Шайх Сафват Йеткин ҳам шу нуқтаи назарни ҳимоя қилади⁴. Кўпинча тасаввуфни мистика, зоҳидлик ва пантеизм билан боғлиқ деб қараш мавжуд бўлган. Тасаввуф «исломдаги мистик оқим»⁵, «исломдаги мистик – зоҳидона оқим»⁶, «ғарбий ислом оламида мистицизм, шарқий исломда (форс ва форс хинд) пантеистик теософия»⁷, деб баҳо берилган. Тасаввуфни «исломдаги диний – мистик оқим»⁸, деб қараш ҳозир ҳам мавжуд. Мистика лотинча сўз бўлиб «яширин, тилсиз, оғиз очмаслик ва кўз Тасаввуфни «ҳаракат»⁹ деб таърифлаш ҳам мавжуд. Уни «Ҳақиқатга томон, мутлаққа томон ҳаракат»¹⁰ дейилади. Баҳоуддин Нақшбанд бундай ҳаракатни «мукаммал ҳаракат»¹¹ дейди. У ўзининг шу хусусияти билан барча ҳаракат турларидан кўра олий ва юксак даражада туриши маълум бўлади. юмиш» деган маънони беради. Алишер Навоий тасаввуфни «тарик», яъни «йўл» деган. У «Фавойидул Кибор» асарида тасаввуфни хилофу ихтилофи бўлмаган зуҳд,

³ Ироқий Фахриддин. Ламаот / Сафват Йеткин таржимаси.-Истанбул: 1985-5-бет.

⁴ Ғиёс-ул-луғот: Иборат аз се жилд. -Душанбе: Адиб. 1-жилд . Алиф-шин.1987. 196-бет.

⁵ Философская энциклопедия.М.1970.Т.5.С.164.

⁶ Кныш А. Д. ат-Тасаввуф /Ислом.Энциклопедический словарь. –М.: Наука, 1991.-С.225.

⁷ Энциклопедический словарь. Изд. Бронгауза и Ефронта СПб. 1901. Т.32.С.129.

⁸ Из истории суфизма: Истоки и социальная практика-Тошкент: Фан, 1991. С.5.

⁹ Джавад Нурбахш. Таверна среди руин.С.19.

¹⁰ Ўша ерда.

¹¹ Мухаммад Боқир. Мақомот- 70-бет

тақво, тоат эмас риёсиз холис, соф тавҳидга элтувчи йўл, дейди: Бировга мусаллам тариқи тасаввуф, Ки зотида мавжуд эмасдур тахаллуф.

Амир Ҳусайн ҳам «Тўхфаи Аббоси» асарида тасаввуфни «йўл» деб таърифлайди ва «Ҳеч роҳе аз тасаввуф пеш нест», деб: «Соф шав бо ҳаққ ниҳону ошкор, Сўфиёни софро ин аст кор».¹² Яъни: «Тасаввуфдан олдинда бўлган йўл йўқ». «Ботининг ва зоҳирингни Ҳаққ билан пок айла, Соф бўлган сўфийларнинг иши шудир»деб ёзган. Тасаввуф Н.Комилов айтганидек, инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққан, ахлоқий покликни тарғиб этиш билан бирга, ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озикланган кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, у расмий-диний ақидапарастлик ва мутаассибликка зиддир. Шунинг учун ҳам бу йўл, бу таълимот, бу илм ҳозирги кунгача камол топиб ривожланиб бормоқда. Шу туфайли дунёдаги турли халқлар ижтимоий, фалсафий, бадий тафаккурдан кенг ўрин эгаллаган ва ривожланиб бормоқда. Тасаввуфда билим манбаи сифатида соғлом фикр ва ақл билан бир қаторда илҳом, кашф ва сезгига ҳам ўрин берилган. Сўфийлар назарида ақл ва нақл маълум ўлчовларда билим манбаи бўлиш билан бирга, энг олий ва энг қудсий билимлар кашфу илҳом орқали ҳосил қилинади. Бу йўл билан эришилган билимга сўфийлар илм эмас, «маърифат», «ирфон», «илми мукошафа», «илми ладун», «илми ваҳбий» каби номлар беришган. «Ирфон» – Аллоҳ ва унинг сифатлари ҳақида бевосита маълумот беради. Ақл ва диний ҳужжатлар эса билвосита маълумот беради. ботиний тажриба ва маънавий мушоҳадага асосланган бевосита маълумот-«ирфон», диний ҳужжатларнинг ривоят қилишини ёки ақлий қиёс ва ҳужжат келтиришга асосланган маълумотлардан, яъни илмдан муҳимроқ ва кадрлироқ деб қаралади. «Маърифат»нинг хусусиятларидан бири унинг янгилиги. Тасаввуфий билимларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – янги, асл ва оригиналликдир. Бунинг сабаби эса манбаининг бевосита сезги ва илҳом эканлигидир. Салафиянинг нақлга ва каломиянинг ақлий ҳужжат келтиришга асосланган статик ва ўзгармас исломий қарашига муқобил сўфийлар янги ва оригинал услуб қўшганлар.¹³ Тасаввуфий билимга эга бўлиш методи қалбнинг покланишидир. Бу иш китоб ўқиш, ёдлаш билан амалга ошмайди. Ақлий ҳужжат келтириш билан ҳам амалга ошмас. Зеро, бу

¹² Иқтибос олинди. М.Ҳазратқулов. Тасаввуф.-Душанбе: Маориф.1988. 75-бет.

¹³ Улуғдоғ Сулаймон. Ислом тафаккурининг тузилиши. Истанбул,1979.128-бет.



иш назарий эмас, амалийдир. Шунинг учун «тасаввуф қол (сўз) илми эмас, ҳол илмидир», дейилган. Жамиятдаги инсонлар камолоти ҳақида эзгу фикрлар мажмуи бўлганлиги учун тасаввуфни бунёдкор ғоялар дейиш мумкин.

Тасаввуф тарихини Н.Комилов икки даврга ажратиб таҳлил этган. 1. Зоҳидлик. 2.Орифлик ва ошиқлик даври¹⁴. Унинг фикрича, биринчи даврда тақво ва парҳезлик бош мақсад бўлган. Иккинчи даврда тафаккурий-шуурий ривожланиш, яъни дунёни ва илоҳни билиш, танишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Орифлик даврини ҳам Н.Комилов босқичларга ажратади. 1.IX-X асрлар – хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиши даври.

2.XI-XII асрлар – тасаввуф тариқати марказлари ва мактаблари вужудга келиб, шуҳрат топган ва тавҳид асосларини мустаҳкамлашга зўр эътибор берилган давр.

3.XIII-XIV асрлар тасаввуф тарихида махсус давр.

Тасаввуфнинг хусусиятларидан бири, фақат назарий жиҳат билан чекланиб қолмасдан, балки тамойилларини тариқатлар йўли орқали амалий тадбиқ этишдир. «Тасаввуф» деб аталган бу таълимот амалий ҳаётда «тариқат» дейилади. Нақшбандия тасаввуфий таълимот бўлганлиги учун тасаввуфга хос бўлган таъриф ва тушунчалар бу таълимотга ҳам тўғри келади. Комил инсон тарбиясини ўзини олдига мақсад қилиб қўйган нақшбандия баркамол авлод тарбияси учун ҳозирги кунда ҳам давр талабига жавоб бера оладиган таълимотлардан биридир. Тасаввуф инсон тафаккури маҳсули бўлиб, тенглик, поклик, камолотга интилиш каби инсон манфаат ва мақсадларини акс эттирадиган ғоялар тизими экан. Тасаввуф ислом дини замирида вужудга келган бўлсада, барча миллат, элат, ирқ, жинс манфаат ва мақсадларини акс эттиргани учун уларни бирлаштира олади. Тасаввуф инсон камолоти ҳақида баҳс юритадиган динийфалсафий таълимотдир. Баркамол инсон тарбияси учун ҳозирги кунда ҳам муҳим бўлгани учун тасаввуфни миллий истиқлол ғоясининг негизларидан бири дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://kelajakbunyodkori.uz>
2. <https://darakchi.uz/uz/140506>

¹⁴ Қаранг: Комилов Н. Комиллик тариқати. //Тафаккур-1998-N159-бет.



3. Ироқий Фахриддин. Ламаот / Сафбат Йеткин таржимаси.-Истанбул: 1985-5-бет.
4. Гиёс-ул-луғот: Иборат аз се жилд. -Душанбе: Адиб. 1-жилд . Алиф-шин.1987. 196-бет.
5. Философская энциклопедия.М.1970.Т.5.С.164.
6. Кныш А. Д. ат-Тасаввуф /Ислом.Энциклопедический словарь. –М.: Наука, 1991.-С.225.
7. Энциклопедический словарь. Изд. Бронгауза и Ефронга СПб. 1901. Т.32.С.129.
8. Из истории суфизма: Истоки и социальная практика-Тошкент: Фан, 1991. С.5.
9. Джавад Нурбахш. Таверна среди руин.С.19.
10. Мухаммад Боқир. Мақомот- 70-бет
11. Қаранг. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят.- Тошкент: Адабиёт ва санъат,1991 3-бет.
12. М.Ҳазраткулов. Тасаввуф.-Душанбе: Маориф.1988. 75-бет.
13. Улуғдоғ Сулаймон. Ислом тафаккурининг тузилиши. Истанбул,1979.128-бет.
14. Қаранг: Комилов Н. Комиллик тариқати. //Тафаккур-1998-N159-бет.
- 15.Samatov K. Issues Naqshbandi teaching peace and harmony in society //Theoretical & Applied Science. – 2016. – №. 2. – С. 175-179.
16. Samatov, Khurshid. "Issues Naqshbandi teaching peace and harmony in society." Theoretical & Applied Science 2 (2016): 175-179.
17. Samatov, K. (2016). Issues Naqshbandi teaching peace and harmony in society. Theoretical & Applied Science, (2), 175-179.
18. Ulmasjonovich K. S. Mystical and philosophical foundations of human interaction. – 2021.
19. Ulmasjonovich, Khurshid Samatov. "Mystical and philosophical foundations of human interaction." (2021).
20. Ulmasjonovich, K. S. (2021). Mystical and philosophical foundations of human interaction.
21. Ulmasjonovich K. S. Mystical and philosophical foundations of human interaction (based on the teachings of makhdumi Azami Kasani) //European Scholar Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 45-48.

